

Иқтисодий-хукукий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиңа бошлаган

**СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУКУК**

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ФЖМСК:

САЛОМАТЛИК УЧУН ФОЙДАЛИ СУФУРТА ПОЛИСИ

Суфурта компаниялари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга таклиф қилинаётган суфурта хизматлари орасида бугунги кунда энг талабири ер усти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ хатарларни суфурталаш ҳисобланади, чунки айни улардан фойдаланиш пайтида транспорт воситасининг ўзини йўқотиш ва шикастлаш, шунингдек йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказиши эҳтимоли энг юқори бўлади.

Транспорт воситасида қанча кўп юрилса, у билан боғлиқ баҳтсиз ҳодиса, афсуски, шунча кўп учрайди. Оқилона эҳтиёткорликдан яхши нарса йўқлигини тушуниб, биз ўз автомобилимиз ва ўз фуқаролик жавобгарлигимизни суфурталаб, кўп нохушиллардан илгарироқ ҳимояланган бўламиз.

Маълумки, 2008 йилнинг 22 октябриндан бошлаб «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисида» ги Конун (2008 йил 21 апрелдаги ЎРК-155-сон) кучга кирди. Мазкур Конунга кўра транспорт воситасига эга бўлган ҳар бир шахс, жисмоний ёки юридик шахс ўшишдан қатъи назар, ўз фуқаролик жавобгарлигини суфурталаши ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш (ФЖМСК) суфурта полисини олиши шарт.

Ўтган йилнинг 22 октябриндан бошлаб ҳайдовчи транспорт воситаси (ТВ)ни бошқараётгандан ёнида бўлиши ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ходимларининг талабига кўра тақдим этиши керак бўлган хужжатлар рўйхатига ФЖМСК полиси ҳам кирди. 2009 йилнинг 22 январидан бошлаб автотранспортдан фойдаланадиган ҳар бир киши, агар ўз жавобгарлигини суфурталашаса, кўйидаги миқдорларда жаримага тортилади:

энг кам иш ҳақининг 1 баравари – жисмоний шахслар;

ЭКИХнинг 3 баравари – юридик шахсларнинг мансабдор шахслари.

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисида» ги Конун жуда катта ижтимои аҳамиятга эга, чунки у кўйидаги учта муҳим принципга асосланган: умумийлик; мажбурийлик; жабрлангарлининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар қопланишининг кафолати.

Шу сабабли автотранспорт эгалари ва ҳайдовчилар, шунингдек йўл ҳаракатининг барча иштирокчилари, йўловчи ёки пиёда бўлишларидан қатъи назар, кўйидагиларни билишлари керак: ФЖМСК нимани билдиради; ФЖМСК бўйича суфурта полисини қаердан олиш мумкин; у қанча турди; йўл-транспорт ходисаси юз берганида нима қилиш керак; суфурта пулини олиш учун мурожаат қилишингиз мумкин.

Мабодо сизга ЙТХ жойидан кочиб кетган ёки жавобгарлиги суфурталамаган шахс зарар етказган ҳолларда сиз компенсация тўловини олиш учун ФЖМСК бўйича тўловларни кафолатлаш жамғарасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нима учун ФЖМСКни жорий этиш зарурати юзага келганинги таҳлил қилиб чиқайлик.

Биринчидан, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурta қилиш давлатнинг ижтимои йўналтирилган сиёсати ҳисобланади, яни ФЖМСК жабрланувчиларга етказилган зарар тўланишини кафолатлади. Бунинг учун Вазирлар Мажкамаси томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурta қилиш бўйича **Тўловларни кафолатлаш жамғараси** барпо этилган.

Иккинчидан, суфурta қилдирувчилар суфурta мукофотлари кўришида тўлайдиган маблағлардан

саси (ЙТХ) пайтида жабрланган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарарнинг суфурta компанияси томонидан қопланишини назарда тутади.

ФЖМСК автотранспорт воситасининг ўзини суфурta қилиш эмас. ФЖМСК полисини сотиб олиб, автомобилимиз ЙТХ, ёнгин, олиб қочиш ва бошқа ҳодисалардан суфурталанди деб ҳисоблаш тўғри эмас.

ФЖМСК деганда зарар етказган жисмоний ёки юридик шахснинг уни жабрланган тарафа тўлаш мажбуриятини суфурталаши тушунилади. Бу ҳолда автомобилга етказилган зарарни суфурta компанияси тўлайди. Ўз автомобилини суфурталаш учун алоҳида автотранспорт воситаларини ихтиёрий суфурta қилиш шартномасини тузиш лозим. Унда қандай хатарлар суфурталанишини батафсил қайд этиш мумкин.

Бироқ ФЖМСК тўғрисидаги Конунда зарарни бевосита қоплаш ҳам назарда тутилган. Яъни, агар сиз муайян суфурta компаниясидан ФЖМСК суфурta полисини сотиб олган бўлсангиз ва ЙТХда жабрланувчи ҳисоблансангиз, сиз айборд шахснинг суфурta компаниясига эмас, балки айни шу суфурta компанияси суфурta пули олиш учун мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Мабодо сизга ЙТХ жойидан кочиб кетган ёки жавобгарлиги суфурta қилиш давлатнинг ижтимои йўналтирилган сиёсати ҳисобланади, яни ФЖМСК жабрланувчиларга етказилган зарар тўланишини кафолатлади. Бунинг учун Вазирлар Мажкамаси томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурta қилиш бўйича **Тўловларни кафолатлаш жамғараси** барпо этилган.

Нима учун ФЖМСКни жорий этиш зарурати юзага келганинги таҳлил қилиб чиқайлик.

Биринчидан, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурta қилиш давлатнинг ижтимои йўналтирилган сиёсати ҳисобланади, яни ФЖМСК жабрланувчиларга етказилган зарар тўланишини кафолатлади. Бунинг учун Вазирлар Мажкамаси томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурta қилиш бўйича **Тўловларни кафолатлаш жамғараси** барпо этилган.

Иккинчидан, суфурta қилдирувчилар суфурta мукофотлари кўришида тўлайдиган маблағлардан

суфурталовчилар барпо этадиган резервлар ҳисобидан ЙТХ ва бошқа хил зарарнинг содир бўлиш эҳтимолини пасайтиришга йўналтирилган тадбирлар молияланади.

Учинчидан, транспорт воситалари барча эгаларининг суфурta тизимида иштирок этиши таъминланади ва, бунинг оқибати сифатида, аҳоли суфурta маданиятининг даражаси, яъни, аҳоли, корхоналар, фирмаларнинг раҳбарлари ва тадбиркорлар томонидан улар фаолияти жараёнида юзага келадиган хатарларни суфурталаш заруратини тушунишдаражаси ошади.

Кўпчилик ФЖМСК суфурta полиси қанча турди деб савол беради.

ОАВда суфурta полисининг қиймати 25-30 минг сўм атрофида бўлиши айтилмоқда, бироқ бу нарса унчалик тўғри эмас: ФЖМСК суфурta полисининг қиймати ҳар бир транспорт воситаси бўйича алоҳида ҳисобланади. Буни, аввало, бир нечта транспортга эгалик қилаётгандар билиб кўйишлари керак. Суфурta полисининг қийматини қандай белгилашни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Суфурta полисининг қиймати бир неча омила боғлиқ, улар коэффициентларни ошириш ёки камайтиришга таъсир кўрсатади ва 8 минг сўмдан 100 минг сўмгача бўлиши мумкин. Ушбу омилашларни кўйидагилар киради:

1) транспорт воситасининг тури;

2) ундан фойдаланиш худуди (рўйхатдан ўтказилган жойи);

3) транспорт воситасини бошқариша ижозат берилган шахслар миқдорининг чекланганлиги ёки

чекланмаганлиги;

4) бундан аввали даврларда суфурta ҳодисаларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;

5) ҳайдовчининг стажи;

6) транспорт воситасидан фойдаланишнинг мавсумийлиги;

7) суфурталаш муддати;

8) мажбурий суфурталаш бўйича ҳукуқбузарликнинг мавжудлиги;

9) ҳайдовчининг ёши;

10) имтиёзларнинг мавжудлиги.

Юқорида кўрсатилган рўйхат

бўйича маълумотлар олинганидан

кейингина ФЖМСК суфурta полисининг қийматини аниқ белгilaш мумкин бўлади.

Юқорида айтилганидек, мулк

ҳукуки, ишончнома, ижара шартномаси ёки транспорт воситасига эгалик қилиш ёки уни тасаррuf этиш ҳукуқини берадиган ҳар қандай бошқа хужжатга эга бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс суфурta қилдирувчи бўла олади. ФЖМСК суфурta шартномаси суфурta қилдирувчига суфурta полисини топшириш йўли билан тузилади, полис суфурta компаниясининг банк ҳисобварига суфурta мукофоти тўланганидан кейин унинг белгиланган шаклдаги ёзма ариза-анкетасига асосан берилади.

Ариза-анкетага суфурta қилдирувчи ўз кўли билан ёки филиал ҳодими (агенти) суфурta қилдирувчинг сўзларига асосланиб тўлдиради, бунда ҳодим (агент) суфурta қилдирувчига тўлдирилаётган ариза-анкета шаклини мазмуни билан танишириши, кўрсатилган маълумотларнинг ишончномасини нусхалари;

– ТВни бошқаришга ишончноманинг нусхаси;

– транспорт воситасини бошқаришга ижозат берилган ҳайдовчилик гувохномаларининг нусхаси.

ФЖМСК суфурta полисида ТВни бошқаришга ижозат берилган 5 нафаргача шахс кўрсатилиши мумкин.

Автотранспортни ФЖМСК суфурta полисида кўрсатилмаган шахс бошқарадиган вазиятларга нисбатан саволлар тез-тез юзага келади.

Бу ҳолда бошқаришга ижозат берилган шахслар миқдорини чекламасдан суфурta полисини олиш имконияти мавжуд, бунда мазкур транспорт воситасини бошқаришга ижозат берилган шахслар кўрсатилмайди ва мазкур транспорт воситасини бошқаришга ҳукуки бўлган ҳар қандай шахс уни тўсиқсиз бошқариши мумкин.

Суфурta қилиш муддати **1 йил**га белгиланади, бундан хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон худудида вақтичалик фойдаланилаётган транспорт воситалари эгаларининг ТВни рўйхатдан ўтказиш ва фуқаролик жавобгарлигини суфурталаш жойига бориши вақтига суфурталаш мустасно.

Баъзан транспорт воситасидан йилнинг муайян вақтида фойдаланилади, масалан, баъзи эгалар автотранспортдан қишида фойдаланимайдилар ёки, аксинча, улардан муайян мавсумда фойдаланилади (кордан тозалаш машиналари, тракторлар, сугориш машиналари ва ҳоказо). Бу вазиятда қандай йўл тутиш мумкин?

Бундай ҳолда Конунда ФЖМСК суфурta полисини муайян вақт оралигида – ушбу транспорт воситасидаги фойдаланиладиган даврда – олиш имконияти назарда тутилган.

Холосада йўл ҳаракатининг барча иштирокчиларига авариясиз юришини тилаб қолмоқчимиз.

Мақола «ISHONCH»

банклараро суфурta

компанияси томонидан

тайёрланган.

1-бет

Мажбурий
фойдали суфурta

\$1 = 1394,90 сўм

2-бет

Бизнинг маслаҳатлар

€1 = 2003,22

3-4-бетлар

Солик
тўловчига ёрдам

£1 = 2063,48 сўм

5-12-бетлар

Янги конун
хужжатлари

¥10 = 151,62 сўм



www.interpress.uz

145

145

145

145

145

145



Президентнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналаринин молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4053-сон Фармонида айтилишича, «фаолият юритаётган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада ўзР МБнинг курси бўйича эквиваленти камиде 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишин таъминлашлари шарт».

1. Айни пайтда бизнинг АЖ устав фонди мазкур Фармон талабини бажаришнинг икки варианти мавжуд:

I вариант – устав фондини икки усул билан 400 минг долларга қадар етказиш; а) кўшимча инвестициялар йўли билан;

б) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини капиталлаштириш ҳисобига акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан (бизнинг АЖда бундай имконият мавжуд).

Бироқ устав фондини ҳозирги иқтисодий вазиятда ушбу усуспар билан кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки акциядорларда инвестициялар учун маблаглар йўқ, акцияларнинг номинал қийматини кўпайтиришдан эса наф йўқ (АЖда ҳисоботлар, ортиқча харажатлар кўп, бошқариш эса мушкул). Бундан ташқари, четдан бошқа шахс келиб кўшимча акцияларни сотиб олиши ва тайёр нарсаларга эгалик қилишини хоҳламас эдик.

II вариант – МЧЖга қайта тузиш. Бу вариант бизга кўпроқ тўғри келади. Пре-

зидентнинг Фармони, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 100-моддасига асосан, шунингдек бизнинг АЖда давлат улуши йўклиги далилини ҳам ҳисобга олган ҳолда тегишли қарор қабул қиласа бўладими?

2. Конунга мувофиқ АЖ йил якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиши, бундан аввалроқ ийлил балансни топширгандан кейин аудиторлик текширувани ўтказиши керак. АЖ умумий йигилишларини ўтказиш муддатлари май-июнга тўғри келади.

Агар АЖ акциядорларнинг умумий йигилишига МЧЖга қайта тузиш масаласини кўйиши хоҳласа, йилни АЖ белгиланган тартибида тугаллаши зарурми?

3. 2008 йил 25 марта келиб бизнинг АЖда 222 нафар акциядор мавжуд бўлиб, улар Тошкент шаҳри, Тошкент, Андикон ва Самарқанд вилоятларида яшайдилар. Йигилишларда акциядорлар ҳар йили турли миқдорда – 15 нафардан 60 нафарга иштирок этадилар, кўплар номаълум сабабларга кўра келмайдилар, дивидендерларни тўлаша билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Режалаштирилаётган акциядорлар йигилишида қанча акциядор ҳозир бўлиши номаълум, балки улар 50 нафардан ошар ва улар МЧЖга қайта тузиш учун овбера олишмас (ёки буни хоҳлашмас). Бу ҳолда қандай йўл тутиш керак?

Акциядорлар олдига МЧЖ таъсис йигилишида улар МЧЖ устав фондига кўшимча равишида бир миллион сўмдан ҳисса киритишлари тўғрисида шарт кўйиши мумкинми?

Ф.Маликов,
«USUB» ОАЖ бош директори.

АЖни қайта тузиш йўллари

– Акциядорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятга қайта тузиш билан боғлиқ кўйилган саволларга жавоб беришдан аввал хат муаллифи тақсимланмаган фойдани капиталлаштириш йўли билан АЖни МЧЖга қайта тузиш фойдасига устав фондини кўпайтириши рад этиш чоғида танловнинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини яна бир марта тарозида тортиб кўришини хоҳлардик.

Корхоналар ташкилий-хуқуқий шаклларининг хилма-хиллиги қонун чиқарувчининг шахсий хоҳиши эмас, балки «ишончга», «капиталга» ва ҳоказоларга норматив расмийлаштирилган тушунчалардир. Уларнинг ҳар бири тадбиркорлик фаолиятини юритиши шакллари ва усуларининг ўзгариши билан бирга тадрижий ривожланган ўзига хос жиҳатига эга.

Сизнинг ҳолатингизда ушбу хўжалик жамиятларининг умумий йигилишлари қарор қабул қилишларининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиш тавсия қилинади.

Акциядорлик жамиятида, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 75-моддасига кўра, агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоздар берувчи акцияларининг жами олтмиш фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятидан фарқли равишда, «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Конун «кворум» тушунчасига эга эмас. Унинг 34-моддасига кўра жамиятнинг ҳар бир иштирокчisi жамият иштирокчиларининг умумий йигилишида жамиятнинг устав фондидағи ўз улушига мутаносиб овоздар соңига эга бўлади, умумий йигилиши қарорларининг ваколатлилиги эса муайян масалани ҳал этишга боғлиқ ҳолда жамият барча иштирокчилари овозларининг умумий сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Жамият иштирокчилари умумий йигилишининг ваколатлилиги масалалари қабул қилиш тартибида кўра уч гурухга бўлинади, яни:

барча иштирокчиларнинг бир овоздан қарор қилишини талаб қиладиган масалалар; иштирокчилар овозларининг 2/3 кисми бўлишини талаб қиладиган масалалар; иштирокчилар овозларининг одий кўпчилигини талаб қиладиган масалалар.

Барча иштирокчилар томонидан бир овоздан қарор қилишини талаб қиладиган маса-

ларга, хусусан, кўйидагилар киради:

– иштирокчилар мулкий ҳиссаларининг пулдаги баҳосини тасдиқлаш;

– иштирокчилар улушларининг нисбатини ўзгартириш;

– жамият иштирокчисининг (иштирокчилар бир қисмининг) кўшимча ҳисса киритиш ва (ёки) учинчи шахснинг уни жамиятга қабул қилишлари ва ҳисса киритиши тўғрисидаги аризасига асосан устав фондини кўпайтириш;

– жамият иштирокчилари улушларининг миқдорига мутаносиб бўлмаган улушни (улуш бир қисмини) харид қилиш устувор ҳуқуқини амалга ошириш;

– улушни жамият иштирокчилари улушларининг миқдорига мутаносиб бўлмаган улушни (улуш бир қисмини) харид қилиш устувор ҳуқуқини амалга ошириш;

– таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш;

– кредиторларга қолган иштирокчилар томонидан мол-мулки ундиришга қаратилаётган жамият иштирокчиси улушкининг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлаш.

Келтирилган рўйхатдан кўринадики, барча иштирокчиларнинг бир овоздан ҳал қилишини асосан муассисларнинг субъект таркибини; муассислар улушларининг нисбатини; таъсис ҳужжатларининг қоидаларини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар, яни иштирокчилар учун энг муҳим масалалар талаб қилади.

Энди 20-50 нафар иштирокчиларнинг бальзилари ўтасида, қандай сабабларга кўралиги аҳамиятсиз, тушунмовчиликлар ёки ихтилофлар юзага келган вазиятни кўз олдимиға келтирамиз. Бу ҳолда иштирокчилар умумий йигилиши томонидан қарор қабул қилиниши етарлича муаммоли, ҳатто иложисиз бўлади.

Саволлар бўйича кўйидагича фикр билдириш мумкин.

1. Уни қайта тузиш далили бошлангунига қадар акциядорлик жамиятининг мақоми тўғрисида. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 95-моддасига айтилишича, янги тузилган юридик шахслар давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бирлаштириш тарзида қайта ташкил этиш бундан мустасно. Бунинг оқибатида, акциядорлик жамиятини қайта тузиш йўли билан тузилган масъулияти чекланган жамият давлат рўйхатига олинган пайтта қадар акциядорлик жамиятнинг ўзи фаолият юритишида давом этади ва қонун томонидан ҳар қандай истисноларсиз барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлган ак-

циядорлик жамияти мақомига эга бўлади.

2. Қайта ташкил этиш масаласи кўрилаётган йигилишда 50 нафардан ортиқ акциядор, иштирок этганида нима қилиш керак деган саволга қатъий жавоб бериб бўлмайди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 100-моддаси ҳуқуқий муносабатлар икки субъектининг ҳаракатларини тартибида солади, яни:

қайта тузиш тўғрисида, қайта тузиши амалга оширишнинг тартиби ва шартлари ҳақида қарор қабул қиладиган жамият акциядорлари умумий йигилишининг;

ўзларининг кўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда бошқарув органларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қиладиган, қайта тузиш жараёнда вујудга келтирилаётган янги юридик шахс қатнашчиларининг, бунинг маъноси шуки, кам деганда, иккита умумий йигилиш ўтказилиши керак.

Биринчи йигилиш якунларига кўра қанча акциядор қайта ташкил этиши ёқлаб, қанчаси қарши овоз берганлиги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 44-моддаси тартибида акцияларни жамият сотиб олишига тақдим қилиш ҳуқуқини олганилиги маълум бўлади.

Амалда факт иккинчи йигилишда сотиб олишига тақдим қилинган акциялар сотиб олинидан кейин ва ҳозир бўлиш далили бўйича қанча акциядор янги жамиятнинг муассисларига айланганлиги маълум бўлади.

Нима учун ҳозир бўлиш далили бўйича деган савол туғилиши мумкин.

Бунинг сабаби оддий. Агар акциядорлар янги таъсис этилаётган масъулият чекланган жамиятнинг таъсис ҳужжатлари тасдиқланадиган йигилиш ўтказилиши тўғрисида лозим даражада хабардор қилинган бўлсалар, шунга қарамай йигилиш якунларига келмасалар, улар кейинчалик ўзларини муассислар таркибига киритишларига даъво қила олмайдилар. Бу МЧЖ таъсис ҳужжатларининг бири таъсис шартномаси эканлиги билан боғлиқ, уни муассис бўлиш хоҳини билдириш шахслар имзолашиб керак ва уни тузишга нисбатан, бошқа ҳар қандай шартномага нисбатан бўлганидек, қонун билан белгиланган талаблар кўйилади. Улар сирасида қуйидагилар бор:

а) шартнома тузаетган шахслар ҳеч қандай мажбурилариз ўз хоҳишига, ўз иродалари бўйича ва ўз мағнафатларини кўзлаб ҳаракат қилишлари керак;

б) шартнома тузаетган шахслар ўзларининг келишиб олинган хоҳиш-истакларини ифодалашлари ва шартноманинг барча муҳим

шартлари бўйича келишувга эришишлари керак;

в) шартномани унинг барча тарафлари имзолашиб керак.

Бунинг оқибатида юқорида кўрсатилган талабларни бирор-бир акциядорнинг йўқлигига ва унинг вакилисиз сиртдан бажариб бўлмайди ва ушбу акциядор таъсис этилаётган жамиятнинг муассиси бўла олмайди.

3. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунда янги таъсис этилаётган жамиятнинг устав фондини муассислар томонидан кўшимча ҳиссаларни киритиш йўли билан кўпайтириш тақиқланмаган, бироқ бундай имконият борлиги ҳақида кўрсатмалар хам мавжуд эмас.

Ушбу масалага ойдинлик киритувчи мөъёлар 23-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Қайта ташкил этиши амалга оширишда молиявий ҳисботни шакллантириш»да (АВ томонидан 2005 йил 27 июня 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилган) берилган.

Стандартнинг 7-бандига кўра муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорида шу жумладан янги тузилган ёки қайта ташкил қилинётган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларидаги акцияларни тасдиқланадиган ҳаракатида олдириш учун устав капиталини шакллантириш тартиби ва унинг миқдори назарда тутилиши мумкин. 61-бандга кўра эса муассисларнинг қайта тузиш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг акцияларни тузилган корхонанинг улушкига конвертация қилиш тартиби тўғрисидаги қарорига мувофиқ тузилган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисботида шакллантирилган устав капитали акс эттирилади.

Агар муассисларнинг қарорида тузилган корхонанинг устав капиталини миқдорини қайта ташкил этилаётган корхонанинг устав капиталини шакллантириш тартиби ва унинг миқдори назарда тутилиши мумкин. 61-бандга кўра эса муассисларнинг қайта тузиш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг акцияларни тузилган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисботида шакллантирилган устав капиталини миқдори акс эттирилади.

Бошқача айтганда, акциядорлар янги тузаетган жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қ

Солик тўловчига ёрдам

ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ БОШЛАЙМИЗ

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиктисодий кўрсатичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 490-сон қарорининг 12-бандига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси томонидан 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг (AB томонидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 7-бандини ижро этиши мақсадида 2009 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш индекслари ишлаб чиқилди.

Мазкур индекслар асосий фондларни навбатдаги қайта баҳолашнинг эҳтимолий усулларидан бири сифатида корхона ва ташкилотлар учун мъалумот тарзида чоп қилинмоқда.

**Давлат статистика қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари Б.ТЎРАЕВ.**

2009 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондлар, ўрнатиладиган ускуналар ва қурилиши тугалланмаган обьектларни (уларни харид қилиш, тайёрлаш, куриш даврлари бўйича)

ҚАЙТА БАҲОЛАШ ИНДЕКСЛАРИ

Асосий фондларни гурухлари ва кодлари	1990 йил- гача (1990 йил ҳам киради)	1991- 2000 й.й.	2001- 2006 й.й.	2007 й.	2008 й.			
					I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1. Ишлаб чиқариш ва поишлаб чиқариш бинолари (10000-10018)								
M-1 гурухи	1,050	1,108	1,143	1,167	1,157	1,118	1,063	1,021
M-2 гурухи	1,040	1,097	1,132	1,155	1,145	1,106	1,053	1,021
M-3 гурухи	1,029	1,086	1,121	1,143	1,134	1,095	1,042	1,021
M-4 гурухи	1,019	1,075	1,109	1,132	1,123	1,084	1,032	1,021
M-5 гурухи	1,009	1,065	1,098	1,121	1,111	1,074	1,022	1,021
2. Иншоотлар (20000-20382)								
M-1 гурухи	1,050	1,108	1,143	1,167	1,157	1,118	1,063	1,021
M-2 гурухи	1,040	1,097	1,132	1,155	1,145	1,106	1,053	1,021
M-3 гурухи	1,029	1,086	1,121	1,143	1,134	1,095	1,042	1,021
M-4 гурухи	1,019	1,075	1,109	1,132	1,123	1,084	1,032	1,021
M-5 гурухи	1,009	1,065	1,098	1,121	1,111	1,074	1,022	1,021
3. Узатиш қурилмалари (30000-30124)	1,022	1,079	1,113	1,135	1,122	1,084	1,050	1,020
4. Машиналар ва ускуналар								
4.1. Куч машиналари ва ускуналар (40000-40719)	1,024	1,081	1,115	1,138	1,127	1,099	1,082	1,045
4.2. Ишчи машиналар ва ускуналар (41000-46119)	1,024	1,081	1,115	1,138	1,127	1,099	1,082	1,045
4.3. Ўлчов ва бошқарув асбоб ва қурилмалари, лаборатория жиҳозлари (47000-47066)	1,024	1,081	1,115	1,138	1,127	1,099	1,082	1,045
4.4. Хисоблаш техникаси (48000-48010)	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
4.5. Бошқа машина ва ускуналар (49000-49303)	1,024	1,081	1,115	1,138	1,127	1,099	1,082	1,045

• РЕКЛАМА

4-бетда



KINEK БАҲОЛОВЧИЛАР КЕРАК

Хизматлар лицензияланган

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ
Бизнес-режалар
ВА ТИА ИШЛАБ ЧИҚИШ

Тошкент ш., Шахрисабз кўч., 85, 5 блоки, 101-офис
E-mail: info@kinek.uz; web: kinek.uz

Тел.: 232-00-24, 175-74-62

WWW.pc.uz · Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

Хизматлар лицензияланган



STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

**ИККИСИ БИТТАГА
ҚЎШИЛАДИМИ?**

Россия Давлат думасида бозордаги қиймати бўйича жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкига солиқ солиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда, унда иккита солиқни – мол-мulk ва ер солиқларни бирлаштириш назарда тутилган. Минтақалар кўчмас мулк солиғини бирин-кетин – 2009, 2010, 2011 йилларда жорий қиладилар. Ҳозирча унинг ставасини про-

Хорижда

гнозлаш анча мушкул, илгари Молия вазирлигига назарда тутилганидек, у кўчмас мулкнинг бозор қийматидан 0,10-0,05 фоизни ташкил этиши мумкин.

Соликни жорий этишга шошилмасликка асослар бор. Бундай ҳужжатни қабул қилиш қийин эмас, лекин уни қандай кўллаш керак?

Минтақалarda кўчмас мулк обьектларининг ягона реестрлари мавжуд эмас, уларнинг инвентаризацияси ўтказилмаган. Туар жой ва ер

участкаларини оммавий баҳолаш тамоили баён қилинмаган ҳамда қоидалари тасдиқланмаган. Бундан ташқари, ер ва ундаги бинолардан алоҳида солик ёки яхлит обьект сингари солик олиш кераклиги ҳал қилинмаган. Бу борада баҳсолар юритилмоқда ва фикрлар иккига бўлинган. Кўчмас мулк ҳар бир обьектини индивидуал баҳолашни ўтказиш жуда мушкул бўлганилиги боис, ҳар ҳолда оммавий баҳолаш кўлланилса керак. Федерал амалдорлар минтақалар ҳуку-

матларига тамоил ва қоидаларни ўзлари ёзишларини таклиф қилмоқда.

Масалан, Москва ҳукумати бунга аллақачон тайёр. Мэр Юрий Лужков кўчмас мулк ва ер солиқларининг шаҳар бюджетидаги улуши 5 фоиздан камни ташкил қилганидан норозилигини яширмайди. Тақослаш учун: йирик европа мамлакатларида у анча ююри.

Бироқ, маҳаллий маъмурият-ларнинг катта қисми бундай

4-бетда

• РЕКЛАМА

**"SIANT NFR"
БАҲОЛАШ ФИРМАСИ**

ДМҚ янги лицензиясига эга қўйидагиларни баҳолайди:
-автомотранспорт
-тракторлар, қишлоқ ҳўжалиги тежники
-технологик линиялар
-ускуналар, мебель ва бошқа кўчар мол-мulk

Тел.: 255-66-45
176-37-01
281-38-56

Хизматлар лицензияланган

E-mail: sianf@mail.ru

**Smart consulting
company Group**

**"SMART EXPERT" МЧЖ
мустақил баҳолаш
компанияси**

Хизматлар лицензияланган

- Асосий фондларни қайта баҳолаш
- Кўчар ва кўчмас мулкни баҳолаш
- Бизнесни (корхонани барча турдаги моддий ва номоддий активларнинг мулкий мажмуи сифатида) баҳолаш

Манзил: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мустакиллик шохкӯаси, 75 ("INKONEL" бизнес маркази биноси)

Тел.: (+99871) 1400664, 1205151 (ички 106), факс (+99871) 1400665

"KONSERVIS"

баҳолаш компанияси
малакали баҳолаш
хизматлари кўрсатади:

асосий воситаларни ҳар йилги қайта баҳолаш

- устав фондига киритиш учун
- гаров таъминоти учун
- инвестиция лойиҳалари учун
- корхоналарни тугатишида
- корхоналар бизнесини баҳолаш
- ускуналар, автотранспорт, бинолар, иншоотлар ва тугалланмаган қурилишни баҳолаш
- интеллектуал мулкни баҳолаш

Хизматлар лицензияланган

Тошкент ш., Ўзбекистон шохкӯаси, 55 (ЎзР давлат мулки кўмитаси биноси)

Тел./факс: 259-22-13, 239-44-71, 342-10-02

E-mail: konservis@rambler.ru

**"УЗТЕХПРОМПРОГРЕСС" ЁАЖ
МУСТАҚИЛ
БАҲОЛАШ ФИРМАСИ**

Хизматлар лицензияланган

Барча турдаги баҳолаш хизматлари

АСОСИЙ ФОНДЛАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ

БАҲОЛАШ:

- мол-мулкни
- машина ва ускуналарни
- автотранспорт ва маҳсус техникани
- банклар учун гаров нарсаларини
- устав фондига киритиш учун

Тел./факс: 171-42-55, 172-42-63, 256-25-40

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўч., 12 "PARIZOD" МЧЖ биноси, 2-қават

Мўлжал: Grand Mir Hotel (собиқ "Россия" меҳмонхонаси)

e-mail: valeran 79 mail.ru www.uztp.narod.ru

М

ЎЗБЕКИСТОН КОНЧИЧИЛИГИДАГИ ЎЙГИЛІМДАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ:**

- «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Кўчирма)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИНГ 2009 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2008 йил 4 декабрдаги 570-1-сон қарорига мувофиқ;

3. 2009 йил учун:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкалари 7-иловага* мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкалари 8-иловага* мувофиқ;

ягона солиқ тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-иоловаларга* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти айrim турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 10-иловага* мувофиқ;

юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)га белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 11-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиги ставкалари 10 фоиз миқдорида;

қўшилган қиймат солиги ставкалари 20 фоиз миқдорида;

республикада ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган товарларга акциз солиги ставкалари 12-1 ва 12-2-иоловаларга* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага* мувофиқ;

айrim турдаги маҳсулотлар бўйича ортиқча фойдадан солиқ ставкалари 15-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиги ставкалари 16 ва 17-иоловаларга* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги ставкалари 18-иловага мувофиқ;

ягона ер солиги ставкалари 19-иловага* мувофиқ;

маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 20-иоловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида-

ги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 21 ва 22-иоловаларга* мувофиқ; 23-иоловада* белгиланган солиқта тортиш обьектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари бир фоиз миқдорида;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацииси ўртасида 24-иоловада* келтирилган нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 24 фоиз миқдорида;

фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 3,5 фоиз миқдорида тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Республика йўл жамғармасининг прогноздан ортиқ даромадларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармасига йўналтириш хукуки берилсин.

5. Қуйидагилар:

жисмоний шахсларнинг микрофирма ва кичик корхоналарни таъсис этишдан олинадиган дивиденд тарзида ги даромадлари;

юридик шахсларнинг капиталлаштиришга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун хисоб-китоб қилишга йўналтирилган маблағлари 5 йил муддатга солиқта тортишдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодигёт вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур имтиёзларни қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилансинки:

ягона солиқ тўловидан тушумлар Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақ-

*Иловалар «СБХ»нинг 2009 йил 5 январдаги 2 (754)-сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилган.

симланади;

Ўзбекистон Республикасининг инвесторлар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим доирасида маҳсулотни сотишдан олинадиган даромадлари Давлат бюджетига ўтказилади;

хўжалик юритувчи субъектларга, истисно тариқасида, 2009-2010 йилларда амортизация ажратмаларини белгиланган нормалардан паст бўлган ҳолда, қўшиш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг жаҳон нархлари таннархдан ҳам тушиб кетган ҳолларда эса – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амортизация ажратмаларини 6 ой муддатга тўхтатиб туриш хукуки берилади;

ўзлари ишлаб чиқарган товарларни таннархдан паст нархда эркин алмаштириладиган валютага экспорт қиласидаги корхоналар учун, соликка тортиш мақсадида сотишдан тушадиган тушум миқдори экспорт товарлари сотилган ҳақиқий нархдан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

7. Ягона ижтимоий тўловлар тўлиқ тушишини таъминлаш учун 2009 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ягона ижтимоий соликни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш меҳнат ҳақи фондининг 24 фоизи, лекин:

барча хўжалик юритувчи субъектлар учун (фермер хўжаликлари бундан мустасно) ҳар бир ходим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

фермер хўжаликлари учун ҳар бир ходим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Давлат солик хизмати органларига белгиланган тартибга риоя қилинмаган тақдирда тўловчининг ихтиёрида қолаётган фойда ҳисобидан ягона ижтимоий тўловни унинг белгиланган миқдоридан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ ундириб олиш хукуки берилсин.

8. 2009 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ аввал хусусийлаштирилган корхоналар – сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнгги икки чорақда объектив сабабларсиз, солик органлари томонидан белгиланган тартибда жорий этилган мулк ва ер солигининг мўлжалдаги ўн карра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган ягона солик тўловчilar солик органи билдиришномаси орқали умумжорий этилган соликка тортиш режимига ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солик қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур корхоналарни Умумжорий этилган соликка тортиш режимига ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдикласин.

9. Валюта тушумидан 50 фоизини мажбурий сотишнинг амалдаги тартиби газ экспорти ва транзитини амалга оширувчи барча корхоналарга (маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим доирасида ўз фаолиятини амалга оширувчи инвесторлар бундан мустасно) татбиқ этилсин, олинадиган маблағлар биринчи навбатда бюджетга, мақсадли давлат жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Қактаб таълими жамғармасига тўловлар бўйича қарзларни тўлашга йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солик қўмитаси билан биргаликда ўн кун муддатда Газ экспорти ва транзитидан тушган валюта тушумларини сотишдан олинган маблағларни тақсимлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдикласин.

13. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақилли-

ги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетидаги улушкини кўпайтириш мақсадида қўйидаги умумдавлат соликлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айrim турлари бўйича қатъий белгиланган солик;

юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солик;

республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиги бўйича тушумлар тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2009 йилда бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харожатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиқсан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартиби, ихчам мактабгача тарбия умумтаълим муассасаларини қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, Намangan, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари муассасаларига татбиқ этилсин ҳамда бюджетни режалаштириш ва харажатларни молиялаштиришнинг янги тартиби билан қамраб олинадиган ҳар бир бюджет ташкилотига молиялаштириш меъёрлари етказилиши таъминлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2009 йилги Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб, ходимларнинг аниқ илмий ва меҳнат ҳиссасига қараб, олий таълим тизими ходимлари учун белгиланган иш ҳақи миқдорларини ҳисобга олган ҳолда илмий ходимларнинг иш ҳақи оширилишини таъминланасин.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб болалиқдан ногиронларга нафақаларни, уларнинг жойлардаги ижтимоий таъминот органлари орқали тайинланиши ва тўланиши тартибини сақлаб қолган ҳолда республика бюджетидан молиялаштирилишини таъминласин.

26. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсияларни ҳисоблаб чиқиш учун мавжуд бўлган узилишлардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнидаги исталган кетма-кет беш йилнинг (пенсияга мурожаат қилганинг танловига кўра) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини пенсияларни тайинлашдаги самарасиз имтиёзларни мақбуллаштириш ва пенсия тўлашни тартибга солишни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан қонун хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республи-

каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни бир ҳафта муддатда илгари чиқарилган норматив хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирилсинлар.

29. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи

үринбосари Р.С.Азимов зинмасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
